

“Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

“Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақалари (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфларида таҳсил олаётган “Ватан таянчи” отрядлари аъзоси бўлган ўқувчилар (бундан буён матнда умумтаълим мактаблари деб юритилади) билан ташкил этилади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мусобақалар жамоавий тартибда умумтаълим мактаблари ўртасида ҳар йили март-май ойлари давомида ўтказилади.

2. Мусобақа иштирокчилари Низомда белгиланган талабнома асосида мусобақада иштирок этади.

3. Мусобақани ташкил этишдан асосий мақсад ўқувчиларни ҳарбий-амалий спорт мусобақаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда ёшларни спорт ўйинларига оммавий тарзда жалб қилиш, соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган, дастлабки ҳарбий ва психологик тайёргарликка эга, буюк аждодларимиз каби мард, ҳалол, жисмонан бақувват, билимли, кенг дунёқарашли, ватанпарвар, масъулиятли, қийин ва экстремал вазиятларда тўғри ҳаракатланиш кўникмаларини эгаллаган баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.

2-боб. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш

4. Мусобақа қуйидаги босқичларда умумтаълим мактаблари ўртасида жамоавий тартибда:

I босқич – туман (шаҳар) биринчилиги босқичи умумтаълим муассасалари ўртасида – ҳар йили 10 мартгача – туман (шаҳар) мудофаа ишлари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи, Мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари, туман (шаҳар) Маданият бўлимлари, МК “Ватанпарвар” ташкилоти бўлимлари, умумтаълим муассасаси директорларининг раҳбарлиги ва ташкилотчилигида;

II босқич – ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) биринчилиги босқичи – ҳар йили 10 апрелгача – ҳарбий округ кўшинлари кўмондонлиги, вилоят мудофаа ишлари, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар иттифоқи, Мактабгача ва мактаб таълими, Маданият бошқармалари, МК “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгашлари, ҳудудий ташкилий кўмиталари томонидан;

III босқич – республика босқичи – ҳар йили 15 майгача – Мудофаа вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, МК “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгашлари томонидан Мудофаа вазирлиги Жанговар тайёргарлик ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси – республика ташкилий кўмитаси раҳбарлигида ўтказилади.

5. Мусобақа белгиланган тартибда қуйидаги жойларда ўтказилади, жумладан:
биринчи босқич – ҳудуддаги спорт мактабида ёки ҳарбий қисм спорт базасида туман (шаҳар) таълим муассасалари биринчилиги босқичи;

иккинчи босқич – ҳудуддаги спорт мажмуасида ёки ҳарбий қисм (дала-ўқув майдони) базасида вилоят биринчилиги босқичи;

учинчи босқич – ташкилий кўмита қарорига асосан Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган жойда (ҳарбий қисм, дала-ўқув майдони ва бошқа) республика биринчилиги босқичи ўтказилади.

6. Мусобақада жамоавий 1, 2 ва 3-ўрин ғолиблари фақат 10-11-синфларида таҳсил олаётган “Ватан таянчи” отрядлари аъзоси бўлган ўқувчи-иштирокчилари ўртасида аниқланади.

7. Мусобақада иштирок этувчи жамоалар ўз кийими, эмблемаси, жамоа байроғига эга бўлади.

8. Мусобақани тайёрлаш ва ўтказишда жанговар тайёргарлик офицерлари, тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерлари, ҳарбий тиббий шифокорлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг мутахассислари, МК “Ватанпарвар” ташкилоти малакали мутахассислари ҳамда 10-11-синфларда ўқиётган “Ватан таянчи” отрядлари аъзоси бўлган ўқувчилар иштирок этади.

9. Мусобақа давомида юзага келган муаммолар тегишли ташкилий кўмита томонидан ҳал этилади.

10. Мусобақанинг бош ҳаками Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тайинланади.

11. Мусобақа ҳайъати таркиби беш-етти нафардан иборат таркибида мудофаа вазирининг (биринчи ўринбосарининг) буйруғи билан тасдиқланади ва унинг таркибига:

вазирлик Жанговар (жисмоний) тайёргарлик ҳамда Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармалари масъул офицерлари ва спорт мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг мутахассислари;

тегишли спорт ташкилотларининг спорт мутахассислари (келишув асосида) ҳакамлар сифатида киритилади.

Мусобақа ҳайъати котиби, навбатчи шифокор (автомобил), шунингдек, мусобақани ташкиллаштириш, мусобақаларни ўтказиш жойи, вақти ва кетма-кетлиги белгиланади.

12. Мусобақа ҳайъати раиси:

мусобақа ҳайъати таркибининг тайёргарлиги ва иш фаолияти, мусобақани ташкиллаштириш ҳамда ўтказишга раҳбарлик қилади;

мусобақаларни ўтказиш жойлари, спорт воситалари ва жиҳозларини мусобақага тайёргарлигини ташкиллаштиради;

мусобақа шартларини кўпол равишда бузган иштирокчиларни мусобақа ҳайъати аъзолари билан келишилган ҳолда, мусобақадан четлатиш масаласини ҳал этади;

мусобақа ҳайъати аъзолари (ҳакамлар) томонидан мусобақаларнинг тўғри ўтказилишини, иштирокчиларни шаффофлик билан баҳоланишини назорат қилади;

мусобақа ҳайъати аъзолари (ҳакамлар) билан ҳар бир мусобақа бошланиши ва мусобақа якунида йиғилиш ўтказиш, иштирокчиларнинг натижаларини кўриб чиқади ва муҳокама қилади;

мусобақалар жараёнида нотўғри хатти-ҳаракатлар, кўпол хатоликларга йўл қўйилса ёки тиббиёт ходимларининг йўқлиги аниқланса, мусобақанинг ушбу шартини тўхтатади ҳамда камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

мусобақа ҳайъати аъзолари (ҳакамлар) ишида ноҳолисликни, мусобақа иштирокчиларига ён бериш каби ҳолатлар аниқланса, уларни бошқа аъзолар (ҳакамлар) билан алмаштиради;

мусобақа ҳайъати аъзолари билан иштирокчи жамоалар томонидан берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиб, муҳокама қилади ва улар юзасидан шахсан асосланган қарор қабул қилади ҳамда шикоятни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида мурожаат этувчиларга ёзма равишда жавоб беради;

мусобақа ҳайъати аъзолари (ҳакамлар)нинг нотўғри ва асоссиз қарорларини бекор қилади;

мусобақа якуни натижаларини (ғолиб ва совриндорларни) буйруқ билан эълон қилади.

13. Мусобақа ҳайъати:

мусобақа давомида мусобақаларни мазкур Низомга мувофиқ ўтказилиши, иштирокчиларнинг ҳаққоний ва шаффоф тарзда баҳоланиши, эришилган натижаларга асосланиб ғолиб ва совриндорларни аниқлайди;

мусобақаларни ўтказиш жойлари, спорт (махсус) жиҳозлари ва воситаларининг тайёрлиги ва созлигини таъминлайди;

иштирокчиларга мусобақа шартларини, хавфсизлик қоидаларини етказди, тушунтириш ишларини олиб боради ва иштирокчилардан мусобақа шартлари тўғри бажарилишини талаб қилади;

иштирокчилар томонидан мусобақа шартларини кўпол равишда бузиш ҳолатлари аниқласа, уларнинг мусобақаларда иштирок этиши масаласини кўриб чиқади;

мусобақа ҳайъати раиси бошчилигида мусобақа бошланишида ва ушбу мусобақа якунида ўтказиладиган йиғилишда иштирокчилар кўрсатган натижаларни кўриб чиқади;

мусобақалар давомидаги ўзгаришлар тўғрисида иштирокчи ва жамоа катталарига ўз вақтида маълумот беради;

апелляция шикоятларини кўриб чиқади.

14. Мусобақа ҳайъати котиби:

мусобақаларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади, тегишли хужжатларни (иштирокчиларнинг хужжатлари ва рўйхатларини) текширади ва расмийлаштиради;

куръа ташлаш жараёнини ташкиллаштиради ва унда иштирок этади;

мусобақалар жараёнида бевосита иштирок этади, мусобақа ҳайъати томонидан қабул қилинган қарорларни, иштирокчилар кўрсатган натижаларни умумлаштиради ва мусобақа баённомаларини, якунловчи хужжатлар ҳамда ҳисоботларни расмийлаштиради.

15. Навбатчи шифокор:

ҳар бир мусобақа бошланишидан аввал иштирокчиларнинг тиббий маълумотномаларини ўрганади ва уларнинг соғлигини ҳолатига кўра мусобақаларда иштирок этиши бўйича хулоса беради;

мусобақалар ўтказиладиган жойларда иштирокчиларнинг дам олиши, овқатланиши, ювиниш хоналарида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинишини назорат қилади ҳамда иштирокчиларнинг соғлигини мунтазам равишда назорат қилиб боради, зарур ҳолларда уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатади;

ҳар бир ҳолат ва амалга оширилган ишлар тўғрисида мусобақа ҳайъати раисига маълумот беради.

16. Бош ҳакам мусобақаларнинг турлари бўйича тайинланади ва ҳакамлар томонидан иштирокчиларни тўғри баҳоланиши ҳамда мусобақани шаффофлик билан ўтказилишига жавоб беради. Бош ҳакам мусобақа бошланишидан олдин мусобақа ўтказиладиган жойларни, уларнинг жиҳозланганлиги ва тайёрлигини текширади, муаммо ёки камчиликлар аниқланса уларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўради.

17. Ҳакамлар мусобақаларни тўғри ва одилона баҳоланишига жавоб беради. Ҳакамлар мусобақа ҳайъати раиси ва бош ҳакамга бўйсунди ва уларнинг кўрсатмаларига амал қилади.

18. Ҳакамлар мусобақада мусобақа ҳайъати раиси ёки бош ҳакам томонидан белгилаб берилган кийим русумида иштирок этади.

3-боб. Мусобақа иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

19. Мусобақа иштирокчилари қуйидагиларга мажбур:

мусобақани ўтказиш тўғрисидаги Низом талабларини билиш ва унга сўзсиз риоя қилиш;

мусобақа давомида ўзини муносиб тутиш ва бошқаларни ҳам номуносиб хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслигини таъминлаш;

мусобақаларни ўтказиш жойида кўрсатилган вақтда белгиланган кийим русумида бўлиш;

мусобақалар иштирокчилари ва ҳакамлар ҳамда ҳайъат аъзоларига доимо хушмуомала муносабатда бўлиш;

зарурат туғилган ҳолларда ҳакамлар ҳамда ҳайъат аъзоларига шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиш;

мусобақа учун белгиланган кун тартиби ва бошқа тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиш;

ҳакамлар ва ҳайъат аъзоларининг кўрсатмаларини сўзсиз бажариш;

мусобақа давомида ўрнатилган кун тартиби, мусобақалар шартлари ва хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этишга.

20. Мусобақа иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мусобақалар олдидан ҳакамлар ва ҳайъат аъзолари рухсати билан мустақил равишда бадантарбия машқлари билан шуғулланиш, мусобақа қуроллари, махсус восита ва жиҳозлар билан яқиндан танишиш;

мусобақа жараёнида ҳакамлар ҳамда ҳайъат аъзоларига Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда оғзаки ёки ёзма равишда мурожаат қилиш (ариза ва шикоят бериш);

мусобақа давомида ноҳақлик ёки шаффофлик таъминланмаётганлиги аниқланган ҳолларда ҳакамлар ҳамда ҳайъат аъзоларига маълумот бериш;

мусобақалар давомида кўрсатган натижалари билан танишиб бориш.

21. Мусобақада иштирок этаётган ҳар бир мактаб жамоасига 1 нафар катта (жамоа каттаси) ва 2 нафаргача мураббий тайинланади. Жамоа каттаси ва мураббийлар иштирокчиларнинг интизоми, соғлиги ва улар томонидан хавфсизлик талаблари ҳамда мусобақада белгиланган тартиб-қоидаларни қатъий бажарилиши учун жавоб беради. Мусобақа жараёнида жамоа томонидан мусобақа шартлари тўғри бажарилишини назорат қилади. Ҳакамлар ва ҳайъат аъзолари томонидан қабул қилинган қарор ва берилган кўрсатмаларни ўз жамоа аъзоларига зудлик билан етказди.

Жамоа каттаси ҳакамлар ва ҳайъат аъзоларидан ўз жамоа аъзоларининг натижаларига аниқлик киритиш, зарурат бўлган ҳолларда ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Низомда кўрсатилмаган тартибда ҳакамлар ва ҳайъат аъзоларининг қарорларига қаршилик кўрсатиш, уларга бўйсунмаслик ҳамда жамоа аъзоларига қоидаларга зид равишда ёрдам бериш тақиқланади.

22. Мусобақада мутлақ ғолибликни қўлга киритган, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиладиган тиббий кўрик натижаларига кўра ҳарбий хизматга яроқли деб топилган умумий ўрта таълим муассасаларининг 11-синф битирувчилари чақирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ҳамда яқка тартибда суҳбат ўтказиш бўйича танлов кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия этилиши мумкин.

4-боб. Мусобақада қатнашиш шартлари

23. Иштирокчилар: 10-11-синфларида таҳсил олаётган “Ватан таянчи” отрядлари аъзоси бўлган ўқувчилар (ҳар бир жамоадан 7 нафар ўғил болалар ва 3 нафар қиз болалар) бир хил турдаги “Ватан таянчи” ҳаракатининг эмблемаси акс этган ҳарбий дала кийимида, баланд қўнжли ботинкада иштирок этади.

Ҳарбий дала кийимини дизайнга оид ҳар қандай ўзгартиришларни киритиш, дала формасини очиш ёки қайта чизиш (ямоқ чўнтаклари, энглари, ёқаси ва бошқалар йўқ), шунингдек, уларни энгиллаштириш учун стандарт дала ботинкаларини баланд тўпиқ этиклари билан ўзгартириш **тақиқланади**.

Кийим русумида кўрсатилган камчиликлар аниқланган иштирокчига огоҳлантириш берилади, уни йўқ қилиш учун 5 дақиқа вақт берилади, иккинчи марта қоидаларни бузган иштирокчи (жамоа) шартдан четлатилади.

24. Мусобақада иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома);

яшаш ва ўқиш жойидан маълумотнома (фотосурати муҳрланган ҳолда);

қатнашувчиларни мусобақага саралаб олинганлиги ва мусобақаларда иштирок этишига рухсат берувчи тегишли буйруқлардан кўчирма;

иштирокчиларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномалари.

25. Мусобақа ўтказиш кунига қадар иштирокчилар 18 ёшдан ошмаган бўлишлари шарт. Барча иштирокчилар мусобақа бошланишидан олдин мандат комиссиясидан ўтади.

5-боб. Мусобақани ўтказиш тартиби

26. Мусобақа дастури мазмуни:

а) Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфларида таҳсил олаётган «Ватан таянчи» отрядлари ўқувчилари ўртасида «Ватанпарварлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг тантанали очилиши;

б) Мусобақа босқичларини ташкил этиш;

в) Мусобақанинг асосий босқичларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш;

г) Мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш.

27. Мусобақаларнинг асосий босқичлари шартлари:

1) “Моҳир мерган”;

2) “Турникда тортилиш”;

3) “Ҳарбийлаштирилган эстафета”;

4) “Жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш”;

5) “Сафда қўшиқ айтиш”;

6) “Амир Темур тузуклари билимдони”;

7) “Ватан таянчи юлдузлари”.

28. Мусобақа иштирокчилари қуйидаги қўшимча номинациялар бўйича тақдирланади:

“Энг кучли спортчи”;

“Энг яхши мерган”;

“Амир Темур тузуклари билимдони”;

“Энг яхши ижрочи”.

6-боб. Мусобақа жараёни

29. Мусобақанинг асосий босқичлари қуйидагича ўтказилади:

1-босқич «Моҳир мерган».

Мусобақада иштирокчилар ТОЗ-8 русумли пневматик қуролидан махсус белгиланган назорат отиш машқини бажаради.

Ҳар бир жамоа мусобақага мезбонлик қилаётган ҳарбий округ томонидан қуроллар билан таъминланади. Жамоаларга ўзлари билан қурол ва ўқ-дори олиб келиш **тақиқланади**.

Мусобақада ҳар бир жамоадан 2 нафардан иштирокчи қатнашади (1 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола).

Мусобақа қуйидаги тартибда ўтказилади:

ҳар бир иштирокчи машқни навбат билан ётган ҳолда бажарилади;

дастлаб иштирокчилар 3 дона ўқ-дори билан назорат отишни амалга оширади;

кейинги навбатда иштирокчилар 10 дона ўқ-дори билан синов отишни бажаради. Синов отиш натижалари асосий ҳисобланади.

Иштирокчилар 50 метр масофадаги 2-рақамли спорт нишонга ўқ отади. Отиш вақти чекланмаган. Синов шарти бўйича 10 дона ўқ-дори билан бажарилган машқ балларига кўра иштирокчилар ўрни аниқланади.

Машқ фақат кундузи, жиҳозланган тирда бажарилади.

Отиш жараёнида отувчининг айби бўлмаган тўхталишлардаги ва техник сабабларга кўра отилмаган ўқ-дорилар ҳакамнинг руҳсати билан бошқасига алмаштирилади. Отиш натижаларини кўриш учун мусобақа ҳаками ва ўқ отишни бажарган иштирокчиларга руҳсат берилади.

2-босқич «Турникда тортилиш».

Бу шартда 5 нафар ўғил болалар иштирок этади.

Турникда тортилиш дастлабки ҳолатдан – юқорига осилган, кўллар, оёқлар ва гавда вертикал текисликда тўғриланган, кўллар елка кенглигида, тўпиқлар бирлашган ҳолатдан бошланади.

Ушбу машқни бажариш учун умумий **4 дақиқа** вақт берилади.

Тортилиш вақтида иштирокчи қуйидагиларга мажбур:

- дастлабки ҳолатдан тўхтовсиз, иякни турникда ўтказиб, гавдани тўғри ҳолатида тортилиш;

- кўллар тўғри ҳолатга келгунча осилиб тушиш;

- тебранишни ўзи ҳаракати билан тўхтатиш;

- ҳакамларга аниқ кўриниши учун 0,5 сонияга дастлабки ҳолатни қайд этиш;

- ҳакамни саноғини эшитганидан сўнг тортилиш машқини амалга ошириш.

Тортилиш вақтида иштирокчи қуйидагилар тақиқланади:

- машқ давомида кафтига ёпишадиган моддалар ёки илгичлардан фойдаланиш;

- тортилиш вақтида ердан, турник устунларидан таянч сифатида фойдаланиш;

- тортилишдан тебраниш, танани силтаб ҳаракат қилиш, танани тўлқинсимон ҳаракатлантириш усулларини кўллаш;

- тирсакларни навбат билан букиш;

- бир кўлда осилиб туриш;

- кафтни боғлаб билан боғлаш ёки махсус бармоқсиз кўлқоплардан фойдаланиш;

- кафтни очган ҳолатда бўғимда осилиб туриш;

- машқни бажариш вақтида ўзбошимчалик билан тўхташ, кўлларни дам олдириш.

Якка тартибдаги кўрсаткичлар ҳакам томонидан, иштирокчиларни тортилиш бўйича энг кўп миқдори орқали белгиланади. Бир ва ундан ортиқ

иштирокчиларнинг натижалари тенглашиб қолган тақдирда, ҳакам томонидан кўшимча имконият бериш орқали аниқланади.

Жамоавий натижа жамоадаги иштирокчиларнинг умумий натижаларини кўшилиши билан ҳисобланади. Бир ва ундан ортиқ жамоалар натижалари тенг бўлиб қолган ҳолларда, ҳакам томонидан кўшимча тортилиш учун имконият берилади.

3-босқич «Ҳарбийлаштирилган эстафета».

Ҳарбийлаштирилган эстафета баҳсларида иштирокчилар АК-74 русумли қуролни тўлиқсиз ёйиш ва йиғиш, газга қарши ниқобни кийиш ва ўқ-дорилар қутисини елкага кўтарган ҳолда югуриш.

Ҳар бир шарт оралиғида 25 метрга югуриш шarti бажарилади.

Ушбу шартда 4 нафар иштирокчи қатнашади.

Мусобақа шартлари дала кийимида, юқори қўнжли ботинкада бажарилади.

Мусобақа футбол майдони югуриш йўлаги ёки бошқа бир текис ҳудудда ўтказилади.

Шарт қуйидаги тартибда ўтказилади:

шарт берилгач ҳакам томонидан секундомер босилади, ҳар бир жамоа иштирокчиларининг дастлабки вакиллари АК-74 русумли қуролни «Қурол орқага» ҳолатига олади ва машқ учун ажратилган бошқа АК-74 русумли қуролни нотўлиқ қисмларга ёйишади (ўқдон ечилиб қурол сақлагичдан олинади, затвор орқага тортилиб ўқсизлантириш учун отиш тепкиси босилади; ствол қутиси қопқоғи ечилади; қайтарувчи механизм ечилади; затвор рамаси ечилади; затвор затвор рамасидан ажратилади; газ трубкаси ечилади; шомпол олинади; пенал қундоқдан чиқарилади) ва 25 метр масофага югуради ҳамда орқасига илинган АК-74 қуролни кейинги нуқтадаги жамоасининг навбатдаги аъзосига топширади. Навбатдаги иштирокчи баҳсларга қуролни қўлига олганидан сўнг кўшилади ва газга қарши ниқобни кийишга киришади. Ҳакам газга қарши ниқобни тўғри ва тўлиқ кийилганини тасдиқлагач, иштирокчи қуролни орқасига ҳолатига олади ва 25 метрга газ ниқобини кийган ҳолда югуради, масофа босиб ўтилгач қуролни кейинги иштирокчига топширади. Қуролни олган навбатдаги иштирокчи қуролни орқасига олиб, 10 кг оғирликдаги ўқ-дори қутисини кўкрак қафаси баландлигига кўтарган ҳолда 25 метрга югуради ва белгиланган чизикка етиб келгач қуролни кейинги иштирокчига беради. Мазкур иштирокчи қуролни орқага ҳолатига олиб, машқ учун ажратилган нотўлиқ ёйилган АК-74 русумли қуролни тўлиқ йиғади (газ трубкаси ўрнатилади; затвор затвор рамасига жойланади; затвор рамаси қурол қутисига ўрнатилади; қайтарувчи механизм ўрнатилади; ствол қутиси қопқоғи кўйилади; шомпол жойлаштирилади; пенал қундоқга жойланади; отиш тепкиси босилиб, қурол сақлагичга кўйилади; ўқдон қуролга ўрнатилади) ва оқасидаги қуролни қўлига олган ҳолатда 25 метр масофага югуради ва марра чизигини кесиб ўтади. Иштирокчилар мусобақа шартларини тўлиқ бажариб маррага етиб келгач ҳакам томонидан секундомер тўхтатилади. Жамоа натижаси барча иштирокчиларнинг кўрсатган вақти билан ҳисобланади.

Мусобақани ўтказиш тартибига кўра футбол майдони югуриш йўлаги (ёки бошқа текис ҳудуд)нинг ҳар 25 метрида эстафета шартини бажариш бўйича қуйидаги нуқталар жиҳозланади: биринчи нуқтада - АК-74 русумли қуролни нотўлиқ қисмларга ёйиш жойи; иккинчи нуқтада - газга қарши ниқобни кийиш жойи; учинчи нуқтада – ўқ-дори қутиси билан югуриш жойи; тўртинчи нуқтада - АК-74 русумли қуролни тўлиқ йиғиш жойи.

АК-74 русумли қуролни нотўлиқ қисмларга ёйиш ёки йиғишни бажариш вақтида кетма-кетлик тартиби ўзгартирилишига **рухсат берилади**.

Натижаси бўйича мусобақа шартларини тўлиқ бажарган ҳолда энг кам вақт сарфлаган жамоа эстафета ғолиби ҳисобланади.

3-босқич «Жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш».

Бош ҳакамнинг «Олға» буйруғига кўра жамоанинг 2 (икки) нафар иштирокчиси 50 (эллик) метр масофага замбил кўтариб югуриб боради. У ерда ётган жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам, яъни «Ўнг оёғи катта ва кичик болдир суяклари очик цинган, асорати ташқи қон кетиши. Жабрланувчининг ўнг оёқ сон соҳасининг пастки учлигига жгут (турникет) боғланади ва шина қўйилади». Жабрланувчини замбилга ётқизиб 50 (эллик) метр масофага югуриб олиб келади. Барча жараёнлар тиббиёт ходимлари томонидан назорат қилинади.

Шарт сифатли ва тўғри бажарилмагунга қадар ҳакамлар шарт бажарилаётган нуқтада иштирокчиларни ушлаб туради.

Натижаси бўйича мусобақа шартларини тўлиқ бажарган ҳолда энг кам вақт сарфлаган жамоа ушбу шарт ғолиби ҳисобланади.

4-босқич «Сафда қўшиқ айтиш»:

Жамоа (мухлислар билан биргаликда) аъзолари сафда, шахдам қадамлар билан юрган ҳолда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги қўшиқларни ижро этадилар. Ушбу шартда чиройли юришлар билан мазмунли ва жарангдор овозда қўшиқ айтган жамоа 8-10 балл, саф юришлар бир хил бўлмаган ва жарангдор оҳангда қўшиқ айтмаган жамоа 5-7 балл, саф юришида пала-партиш ҳаракат қилган ва паст овозда, жўр бўлиб айтмаган жамоа 4 баллгача баҳоланади. Белгиланмаган ва тасдиқланмаган намунадаги саф қўшиқларини айтган жамоага 0 балл қўйилади. Юқори балл олган жамоа ғолиб бўлади.

5-босқич «Амир Темур тузуклари билимдони»:

«Амир Темур тузуклари билимдони» танловидан компьютерда «МЙ тест» дастури орқали 15 тадан 30 тагача бўлган тест саволларини топширишади.

Танловда ҳар бир жамоадан 3 нафардан иштирокчи қатнашади (2 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола).

Иштирокчиларнинг саволларига жавоб бериш вақти ва баҳоланиши «МЙ тест» дастури орқали амалга оширилади.

Тўғри жавоб учун «1» балл, нотўғри жавоб учун «0» балл қўйилади. Бунда юқори балл олган жамоа ғолиб бўлади.

6-босқич “Ватан таянчи юлдузлари”:

“Ватан таянчи юлдузлари” танлови жамоаларнинг санъаткорлик маҳоратларини аниқлаш бўйича ўтказилади. Бу танлов асосий мусобақалардан ташқари, кечки тадбирлар вақтида ўтказилади. Бир вақтнинг ўзида “Ватанпарварлар” йиғини иштирокчилари учун маданий-хордиқ тадбири сифатида ташкиллаштирилади.

Танловда жамоалар 5 нафардан кам бўлмаган ёки тўлиқ таркибда иштирок этадилар.

Шартга кўра ҳар бир жамоа ўзлари туғилиб ўсган қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят ҳақида қўшиқ тайёрлайдилар. Бадиий жамоадан 1-2 нафар ижрочи ва 4 нафардан кам бўлмаган жўр бўлувчи таркиб тузилади.

Жамоалар қўшиқни ижро этаётган вақтда мониторда қўшиққа мос видео ролик намоиш этилади. Видеороликда қўшиқда мадҳ этилаётган қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятнинг табияти, ижтимоий манзараси, урф-одалари ва қадриятлари кўрсатиб берилиши зарур.

Танлов ижочилик, маҳорат ва видео роликнинг мантиқий сифати бўйича баҳоланади.

Танлов алоҳида, ҳарбий-спорт йўналишларидаги натижалардан ташқари конкурс сифатидан ўтказилади.

6-боб. Мусобақада жамоларнинг жойлашуви ва овқатланиши

31. Жамоаларнинг жойлашуви ҳарбий қисм ва муассаса базасида жойлаштирилади. Мазкур ишлар «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағлари ҳисобидан, ҳарбий округ кўмондонлари ва ҳарбий-маъмурий сектор раҳбарлари билан биргаликда амалга оширилади.

32. Жамоаларнинг овқатланиши «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағлари ва ҳудудий ҳарбий-маъмурий секторларнинг раҳбарлари билан келишув асосида қоплаб берилади ҳамда ҳарбий қисм, муассаса (дала ўқув майдони) ҳудудида амалга оширилади.

33. «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағлари ва ҳудудий ҳарбий-маъмурий секторларнинг раҳбарлари билан келишув асосида иштирокчиларнинг жамоат транспортларида ҳаракатланиши таъминланади.

34. Мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар (ётоқхона, озиқ-овқат, кийим-кечак, транспорт, коммунал, совриндорларни тақдирлаш ва бошқалар) «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағлари ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7-боб. Ғолиб ва совриндорларни аниқлаш

35. Мусобақада жамоавий ўринлар мазкур Низомда кўрсатилган ҳар бир босқич бўйича алоҳида ғолиб жамоа аниқланади ҳамда ғолиб ва совриндор жамоаларга тегишли равишда 1-, 2- ва 3-ўринлар берилади.

Агар жамоа бирор бир шартда иштирок этмаса, ушбу жамоага мусобақа якунига кўра кўрсатган натижаларидан қатъий назар энг сўнгги ўрин берилади.

Умумжамоа ҳисобида 1-, 2- ва 3-ўринлар жамоаларнинг ҳар бир шарт бўйича эгаллаган ўринларининг энг кам сони йиғиндиси бўйича аниқланади. Агар якунда жамоаларнинг натижалари бир хил кўринишни акс этса, унда умумжамоавий ўринлар жамоалар томонидан энг кўп эгаллаган 1-, 2-, 3-ўринларга қараб белгиланади. Ушбу ҳолатларда ҳам бир хиллик акс этса, унда ҳарбийлаштирилган эстафетада юқори ўринни эгаллаган жамоага устунлик берилади.

36. Мусобақа ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланади:

Биринчи туман (шаҳар) босқичи ғолиблари ҳудудий Ёшлар ишлари агенлиги ва Ёшлар иттифоқи, Мактабгача ва мактаб таълими, МК «Ватанпарвар» ташкилоти, Мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари томонидан I, II ва III даражали дипломлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Иккинчи ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) босқичи ғолиблари Ёшлар ишлари агенлиги ва Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими, МК «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда ҳарбий округ кўмондонларининг I, II ва III даражали дипломлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Учинчи якуний (республика) босқич ғолибларига Мудофаа вазирлиги, Ёшлар ишлари агенлиги ва Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими вазирлиги, МК «Ватанпарвар» ташкилотларининг тегишли манбалар ҳисобидан ажратилади:

Биринчи ўрин ғолиблигини қўлга киритган жамоа — Мудофаа вазирининг I даражали дипломи, мудофаа вазирининг тахтага ўрнатилган эсдалик нишони, ҳар бир жамоа аъзоси медаль, вазир кубоги, Ёшлар ишлари агенлиги ва Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими вазирлиги, МК «Ватанпарвар» ташкилотларининг қимматбаҳо совғалари, ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланади;

Иккинчи ўрин ғолиблигини қўлга киритган жамоа — Мудофаа вазирининг II даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзоси медаль, Ёшлар ишлари агенлиги ва Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими вазирлиги, МК «Ватанпарвар» ташкилотларининг қимматбаҳо совғалари, ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланади;

Учинчи ўрин ғолиблигини қўлга киритган жамоа — Мудофаа вазирининг III даражали дипломи, ҳар бир жамоа аъзоси медаль, Ёшлар ишлари агенлиги ва Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими вазирлиги, МК «Ватанпарвар» ташкилотларининг қимматбаҳо совғалари, ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланади.

9-боб. Якуний қондалар

37. Мазкур низомга мусобақанинг тегишли босқичига ташкилий қўмита томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

38. Давлат ва нодавлат ташкилотлар мусобақада ҳомийлик қилишлари мумкин.

39. Мазкур мусобақанинг биринчи ва иккинчи босқичлари билан боғлиқ барча ҳужжатлар (материаллар) ҳарбий округларда (мудофаа ишлар бошқармаларида), якуний (республика) босқичи бўйича ҳужжатлар (материаллар) Мудофаа вазирлиги жанговар тайёргарлик бош бошқармасида сақланади.

40. Мусобақа якунида котиб томонидан баённома расмийлаштирилади ва баённомани ҳайъат аъзолари имзолайди, ҳайъат раиси тасдиқлайди. Ҳар бир спорт турининг натижалар қайдномаси ҳакамлар томонидан имзоланади.

41. Мусобақа ҳайъати аъзоларига (ҳакамларига) жамоаларнинг катталари ва иштирокчилар томонидан ёзма ёки оғзаки равишда апелляция берилиши мумкин. Ушбу апелляция асосланган ва мусобақанинг мазкур Низом шартлари доирасида бўлиши ҳамда мусобақа шarti якунланганидан сўнг, бир соатгача берилиши лозим.

42. Мусобақада иштирок этувчи умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфларида таҳсил олаётган «Ватан таянчи» отрядлари ўқувчилари (ҳар бир жамоадан 7 нафар ўғил болалар ва 3 нафар қиз болалар), ҳар бир мактаб жамоасига 1 нафар катта (жамоа каттаси) ва 2 нафаргача мураббийлардан ташқари, яъни агар жамоа таркибида белгиланган таркиб сонидан ортиқча иштирокчилар келганлиги аниқланса мусобақада иштирок этишга **рухсат этилмайди**.

43. Ҳайъат аъзолари (ҳакамлар) олинган апелляцияни қисқа вақт ичида кўриб чиқиб, зудлик билан ёки 1 соатгача вақт мобайнида апелляция берувчига жавоб бериши лозим. Ҳайъат раиси апелляция бўйича якуний қарор чиқарувчи орган ҳисобланади.